

# МУАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҲ



*Илимий-методикалық журнал*

---

**2023**

**3/2-сан**

*Ўзбекистон Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы  
Жоғарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ғәм хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы ғуғалық берилген.*

Нөкис

**3/2-сан 2023**

*ИЮНЬ-ИЮЛЬ*

---

*Шөлкемлестіріушілер:*

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириу Министрлиги,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы*

**Редактор:  
А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

|                        |                       |
|------------------------|-----------------------|
| Мақсет АЙЫМБЕТОВ       | Асқарбай НИЯЗОВ       |
| Нағмет АЙЫМБЕТОВ       | Сабит НУРЖАНОВ        |
| Байрамбай ОТЕМУРАТОВ   | Уролбой МИРСАНОВ      |
| Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ  | Нуржан МАТЧАНОВ       |
| Алишер АЛЛАМУРАТОВ     | Шукурилло МАРДОНОВ    |
| Дилшодхўжа АЙТБАЕВ     | Бахтиёр РАХИМОВ       |
| Тўлқин АЛЛАЁРОВ        | Арзы ПАЗЫЛОВ          |
| Умида БАҲАДИРОВА       | Барлықбай ПРЕНОВ      |
| Фархад БАБАШЕВ         | Қаххор ТУРСУНОВ       |
| Гулзода БОЙМУРОДОВА    | Нурзода ТОШЕВА        |
| Маманазар ДЖУМАЕВ      | Тажибай УТЕБАЕВ       |
| Асқар ДЖУМАШЕВ         | Амангелди КАМАЛОВ     |
| Алишер ЖУМАНОВ         | Ризамат ШОДИЕВ        |
| Гүлнара ЖУМАШЕВА       | Зафар ЧОРШАНБИЕВ      |
| Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ | Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ |
| Умида ИБРАГИМОВА       | Гулрухсор ЭРҒАШЕВА    |
| Меруерт ПАЗЫЛОВА       | Гавхар ЭЩАНОВА        |

## МАЗМУНЫ

## ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

|                                                                                                                                                  |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Kuranbayeva H. A.</b> O‘zbek adabiyotining nodir durdonasi. “qissasi rabg‘uziy” ma’naviy barkamollik asosi .....                              | 6  |
| <b>Shirinqulova Sh. M.</b> Lotin tili terminologiya asoslari xususiyatlari va uning tibbiyot oliygohlarida o‘qitilishi .....                     | 12 |
| <b>Nasirova G. M., Makhkamova SH.</b> Genres in children’s literature and their specific features .....                                          | 18 |
| <b>Собирова Н. Н., Ибрагимова Э. И.</b> Роль невербальных средств в обучении .....                                                               | 23 |
| <b>Xiloliddinova F. R.</b> Mobil texnologiyalar asosida talabalarda kommunikativ kompetentligini rivojlantirishning didaktik imkoniyatlari ..... | 28 |
| <b>Рустамов Ф. Н.</b> Перевод фразеологизмов как методический приём на занятиях русского языка .....                                             | 35 |
| <b>Abdujalilova F. Sh.</b> O‘zbek tilida dialektal frazeologik birliklarning, lingvomadaniy birliklarning lingvomadaniy tadqiqi .....            | 40 |

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

|                                                                                                                                                      |     |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Тилакова М. А.</b> Inklyuziviy ta'lim o'qituvchisining kasbiy faoliyati va fazilatlarini tahlili                                                  | 44  |
| <b>Рахимов З. Т.</b> Таълимга инновацион ёндашувнинг зарурий аҳамияти                                                                                | 49  |
| <b>Kukanova Ch. N.</b> Musiqa madaniyati fanlarini o'qitishda bastakorlik ijodining tutgan o'rni                                                     | 59  |
| <b>Xushnazarova M. N.</b> Oliy pedagogik tizimda ta'lim jarayonini texnologiyalashtirish muammolari                                                  | 66  |
| <b>Umarova M. M.</b> G'arb mamlakatlarida qadriyatlarining shaxs ijtimoiylashuviga ta'siri masalasiga ijtimoiy psixologik yondashish                 | 72  |
| <b>Mavlonova B. S.</b> Oliy ta'lim muassasalari talabalariga boshqaruv kompetentsiyalarni takomillashtirishning dolzarb muammolari                   | 78  |
| <b>Xushnazarova M. N.</b> Zamonaviy maktabgacha ta'limda pedagogik jarayonlarning sifati va samaradorligini ta'minlashning dolzarb masalalari        | 84  |
| <b>Isayeva N. H.</b> Raqamlashtirish sharoitida bo'lajak menejerlarni iqtisodiy faoliyatga tayyorlash mexanizmini takomillashtirish                  | 89  |
| <b>Ataqulova M. N., Achilova N. R., Tog'ayeva Sh. T.</b> Uzluksiz ta'lim tizimida biologik ta'limning uzviyligi va izchillikni ta'minlash masalalari | 97  |
| <b>Эшнаев Н. Ж.</b> Бўлажак педагог мутахасссларнинг касбий мобилилигини шакллантирувчи омилларни илмий-назарий таҳлили                              | 102 |
| <b>Choriyeva S.</b> Talabalarni ta'limiy qadriyatlar asosida pedagogik faoliyatga tayyorlash tizimini takomillashtirish                              | 108 |
| <b>Boychayeva N. A.</b> Musiqa san'atining inson ruhiyatiga ta'sirining pedagogik-psixologik tahlili va talqini                                      | 116 |
| <b>Исамова П. Ш.</b> Педагогические предпосылки внедрения технологий тестирования в образовательный процесс вуза                                     | 120 |
| <b>Файzieва У. Ю.</b> Исторические и теоретические основы модели кластерной модели инклюзивного образования в Узбекистане                            | 128 |
| <b>Олимов Э. Б.</b> Янги Ўзбекистонда педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масаласи (нив таълим муассасалари мисолида)                | 134 |
| <b>Suvanova K. R.</b> Ta'lim jarayonida tafakkur dizayni("design thinking")ning ahamiyati                                                            | 145 |
| <b>Numonjonov Sh. D.</b> Mehnat muhofazasi qoidalarini o'qitishning ijtimoiy-pedagogik zarurati                                                      | 150 |
| <b>Бойзакова У. А., Болтаева М. Л.</b> Шахсий сифатларни шаклланишида ижтимоий-маънавий мухит ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари                   | 156 |
| <b>Чергинская И.</b> Обучение учеников 8-9 классов средствам выражения условных отношений (русский язык)                                             | 161 |



## БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ МОБИЛЛИЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

*Эшнаев Н. Ж.*

*ЧДПУ Психолгия кафедраси доценти*

**Таянч сўзлар:** таълим, ижтимоий мобиллилик, глобаллашув, интеграция, социализация, феномен, рақобат бардош кадрлар, меҳнат бозори, касбий компетенция, информацион жамият, мутахассис, профессионал мутахассис, инструментал омиллар, эксклюзив профессионаллар, горизонтал ва вертикал мобиллилик, демографик.

**Ключевые слова:** образование, социальная мобильность, глобализация, интеграция, социализация, феномен, конкурентоспособные кадры, рынок труда, профессиональная компетентность, информационное общество, специалист, профессиональный специалист, инструментальные факторы, исключительные профессионалы, горизонтальная и вертикальная мобильность, демографические.

**Keywords:** education, social mobility, globalization, integration, socialization, phenomenon, competitive personnel, labor market, professional competence, information society, specialist, professional specialist, instrumental factors, exclusive professionals, horizontal and vertical mobility, demographic.

Бугунги кунда педагогик таълимни ташкил этиш, ОТМда таҳсил олувчи талабаларни билим ва касбий малакаларини замонавий соҳаларга мос ҳолда ўқитиш, информацион жамиятда содир бўлаётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари, ижтимоий макондаги шдатли ўзгаришларга нисбатан мобиллилик хусусиятини қарор топтириш, эҳтимолий ўзгарувчан шароитларга муваффақиятли мослашиш, шунингдек, барча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда тизимларда самарали фаолиятни намоеън этиш қобилиятига эга бўлиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ХХI асрда информацион жамият талаблари устуворлиги борган сари ортиб бориши, барча касбий соҳаларга технологияларнинг замонавий авлодини шиддат билан кириб бориши, тезкорлик ва омилкорлик жиҳатларни ахборот оқими билан уйғунлашуви, касбий талабнинг ҳажми ва мураккаблигини мукаммаллаштирган ҳолда, бўлажак мутахассисдан касбий малакани ошириш, билимларни кенгайтириш ҳамда вазият ва шароитга мобил мослашувчан қобилиятни шакллантиришни талаб қилади.



Информацион жамияда содир бўлаётган иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги деформациялар бўлажак мутахассисни бутун фаолияти давомида таълим ва малака даражасини замон талабига мувофиқ оширишга, ҳар қандай эҳтимолий ўзгаришларга руҳий ва касбий тайёр туришни кун тартибига олиб чиқмоқда. Шу нуқтаи назардан, бўлажак замонавий мутахассислар жамият ҳаётида содир бўладиган шахсий ва касбий ўзгаришларга нисбатан мобиллилик феноменига эга бўлиш масаласида ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб бориши зарур.

Мобиллилик тушунчаси (фр. *mobile*, лат. *mobilis* - ҳаракатчан, тез ҳаракатланиш, мувофиқлашган ҳаракат қилиш қобилияти) каби тушунчаларни англаган ҳолда XX асрнинг иккинчи ярмида махсус илмий тадқиқот объектига айланиб, XXI асрда барча соҳаларда фаолият олиб борадиган мутахассисларни шу талаб асосида тайёрлаш ва касбий мувофиқлаштириш масалаларини кун тартибига олиб чиқмоқда. Бу жараён ижтимоий мобиллилик омилларини ўзида мужассамалаштирган концепция билан изоҳланади.

Ижтимоий мобиллилик назарияси П.А.Сорокин томонидан кенг тадқиқ этилган бўлиб, унинг нуқтаи назарича «ижтимоий мобиллилик» ижтимоий маконда инсон фаолият билан вужудга келтирилган бир ижтимоий мавқедадан иккинчисига ўтиш деган назарияни илгари суради. Шунингдек, у ижтимоий маконнинг бир қатор параметрларини аниқлаган ҳолда горизонтал ва вертикал мобиллилик назарияларини илгари суради:

- Горизонтал мобиллилик, бу шахс ёки ижтимоий объектнинг бир хил даражадаги бир ижтимоий мавқедадан иккинчисига ўтиши, яъни бир диний гуруҳдан иккинчисига ўтиши ёки яшаш ҳамда иш жойини ўзгартириш ва бошқалар назарда тутилади. Бунда шахс ўзи мансуб бўлган ижтимоий қатламни ёки ижтимоий мавқеини ўзгартирмайди.
- Вертикал мобиллик, бу шахс ёки объектнинг бир ижтимоий қатламдан иккинчисига ўтишини осонлаштирадиган ўзаро таъсирлар мажмуидир. Бунга, мартаба кўтарилиши (профессионал вертикал мобиллилик), фаровонликнинг сезиларли даражада яхшиланиши (иқтисодий вертикал мобиллилик) ёки юқори ижтимоий қатламга, ҳокимиятнинг бошқа даражасига (сиёсий вертикал мобиллилик) ўтиш киради.[10]

Ю.И.Калиновский нуқтаи назарича ижтимоий мобиллилик шахснинг ўзгарувчан ижтимоий муҳитга тез мослашиши, жамиятдаги ҳар қандай гуруҳ билан барқарор алоқаларни ўрната олиш, шахсий, маданий ва ишбилармонликни намоён этиш ҳамда ижтимоий муносабатларни йўлга қўйиш қобилиятдир.[6]



В.А.Мищенко илмий назариясига кўра касбий мобиллилик ижтимоий мобиллиликнинг асосий таркибий қисми сифатида ўрганилиши лозим бўлиб, профессионал мобиллилик вертикал ва горизонтал омилларга мувофиқлиги ҳамда касбий мақомнинг кўтарилиши ёки пасайиши бевосита унга боғлиқдир. [8]

Бизнингча ҳам касбий мобиллилик ижтимоий мобиллиликнинг асосий таркибий қисми бўлиб, шахсни жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришларга нисбатан фаолиятлар мувофиқлигини таъминлаб, мутахассиснинг юқори рақобатбардошлиги ва профессионал мослашуви заминидир.

Мавзуга доир манбаларда «профессионал мобиллилик» тушунчаси ижтимоий мобиллиликни ўзига хос таркибий қисмларидан бири сифатида баҳолашиб, шахснинг касбий фаолиятини ўзгариши жараёнида профессионал фаолият тури ҳамда мақомини ўзгариши эътироф этилган.

Э.Ф.Зеер касбий мобиллиликни, шахснинг характери ва ёндашувларида ўзгаришларни юзага келтирадиган омил бўлиб, мавжуд янги касбий мутахассисликларни ўзлаштириш ва такомиллаштиришга йўналтирувчи қобилият сифатида изоҳлайди.[3]

Б.М.Игошев касбий мобиллиликни билим ва кўникмаларни такомиллаштириш, зарурий малакаларни ўзлаштириш натижаси сифатида баҳолаб, шахсий ва касбий ўзгартиришга тайёрлик, профессионал интегратив алоқалар муносабатини мувофиқлаштириш омилларига эътибор қаратади.[4]

В.Н.Дюнина фикрига кўра касбий мобиллилик, бўлажак мутахассисдан юқори даражадаги аниқ касбий билим ва малакага эга бўлишни, шунингдек, профессионал функцияларни амалга оширишни оптимал усулларини тез ва самарали танлаш, амалга оширишга нисбатан лаёқатлилиқ сифатларини шакллантирган ҳолда муайян касбий вазиятларда назоратни ўз қўлига олишдир. [2]

Ушуб назариядан келиб чиққан ҳолда, касбий мобиллилик, шахс фаолиятлар мувофиқлигини таъминлаб янги истиқболли касбий технологияларни ўзлаштириш, касбий фаолиятда самарадорликка эришиш компетенцияларини шакллантирувчи ҳамда ўзини ўзи такомиллаштириш қобилиятидир - деган илмий фаразни илгари суришимизга асос бўлади.

Б.М.Игошев касбий мобиллиликни шахснинг касбий, малакавий, ижтимоий педагогик ва бошқа таълим соҳалари ўзгаришларида намоён бўладиган фаолиятларда тизимли-интегратив мувофиқлаштирувчи омил сифатида эътироф этади. Шунингдек, профессионал мобил ўқитувчиларни тайёрлашнинг тизимли-интеграцион ёндашуви, янги технологик ижтимоий-иқтисодий шароитларда шахсий ва касбий мослашиш омилларини белгилашни таъкидлайди. [4]



Касбий мобиллиликни шакллантиришга оид таҳлилий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда замонавий мутахассиснинг профессионал мобиллигини шакллантиришга хизмат қилувчи қуйидаги касбий компетенцияларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- бўлажак мутахассисни замонавий илм-фан тараққиёти талаблари нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда, касбий мобиллилик сифатларини ўрганиш ва такомиллаштириш ҳамда касбий, ижодий ва ижтимоий кўрсаткичларини ривожлантиришга қаратилган таълим олиш қобилиятлари компонентларини ривожлантириш;
- бўлажак мутахассисни ўзгарувчан информацион жамиятда муваффақиятли ижтимоийлашуви, янги меҳнат жамоалари, замонавий технологиялар билан ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш, профессионал социализация ва интеграцион омилларган мослашувчан лаёқатларини самарали ижтимоий муносабатларга нисбатан шакллантириш;
- ижтимоий глобаллашув жараёнларига нисбатан толерантлик мотивини қарор топтириш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга симпатик компетенциясини ривожлантириш;
- профессионал-семантик компетенциявий сифатларни ижтимоий – шахсий мобиллилик омиллари билан уйғунлаштириш ҳамда касбий масъулият, фуқаролик бурч тамойиллари, касбий ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга риоя этиш тушунчаларини қарор топтириш.

Шу нуктаи назардан касбий мобиллилик компетенциясига доир тузилмани таҳлил этадиган бўлсак, профессионал мобиллилик мураккаб ижтимоий - шахсий ҳодиса деган хулосага келишимиз мумкин. Қуйидаги илмий мулоҳаза ҳам бизнинг ушбу фикримизни асослайди.

Касбий мобиллик объектив омиллар ва жамият ривожланишининг тенденциялари туфайли ижтимоий-профессионал соҳадаги ижтимоий субъектлар ва гуруҳларнинг ҳаракати сифатида намоён бўлади.[6]

Таъкидлаш керакки, шахс касбий муҳит доирасида фаолиятларни амалга ошириши, унинг маълум шахсий фазилатлар ва қобилиятлар шарти сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бу жараён касбий муҳитнинг табиати ва мураккаблигига қараб изоҳланади.

Касбий муҳитга мослашиш шахсдан мобиллиликка асосланган шахсий фазилат ва қобилиятни талаб қилади. Бу хусусият шахсни бир профессионал фаолиятдан иккинчисига моҳирона ўтишга имкон беради. Шунинг учун ҳам, шахсдан ўз фаолиятини тез ва адекват ўзгартириш, янги воқеликни осон ва тез ўзлаштириш, қутилмаган муаммоларни ҳал қилиш, ностандарт вазифаларни бажариш билан боғлиқ мобил касбий компетенциявий



сифатларни ривожлантириш информация жамиятнинг талабларидан бирига айланиб бормокда.

Шахснинг касбий мобиллигини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бу - профессионал билим ва маълумотлар базасини шакллантиришга хизмат қилувчи таълим жараёнидан ташқари, ижтимоий-касбий мобилликни шакллантирувчи педагогик кўрсатма ва ёндашвларга мувофиқ фаолиятларни онгли англаши ва самарали мувофиқлаштириши муҳим аҳамиятга эга. [5]

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда бўлажак мутахассисларда касбий мобиллиликни шакллантириш муаммолари профессионал компетенциявий омилларга асосланадиган ижтимоий заруратдир. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай мутахассиснинг касбий мобиллиги профессионал компетенциявий сифат ва фазилатлар, билим ва кўникмалар ҳамда малакаларни эгаллашлари билан асосланиши мақсадга мувофиқдир. Информацион жамиятда бўлажак педагогларнинг касбий мобиллигини шакллантиришда ижтимоий мобиллик асосида замонавий омилларга мувофиқ лойиҳалаш, унинг ўзгариш динамикасини олдиндан прогноزلаштириш, илмий жиҳатдан узлуksиз тадқиқ этиш ҳамда истиқболларини прагматик ёндашувлар асосида стратегик ва тактик мувофиқлаштириш лозим.

Шунингдек, профессионал мобиллиликни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш беқарор ва ўзгарувчан ички ва ташқи меҳнат бозорида мутахассисларнинг рақобатбардошлигини таъминлашни кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади.

ОТМларда бўлажак мутахассисни тайёрлаш жараёнида ижтимоий-иқтисодий профессионал мобиллик самарадорлиги инобатга олинган ҳолда, универсал мутахассисларни тайёрлаш концепциясини ишлаб чиқиш, амалиётга реализация этишнинг оптимал ва муқобил вариантларини таклиф этиш имкониятини таъминлайди.

Мавжуд илмий ёндашув мобил мутахассисларни тайёрлаш имконияти ва истиқболларини белгилаб бериб қолмасдан, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалар учун юқори билим, кўникма ва малакага эга бўлган эксклюзив профессионалларни жамиятга йўналтириш манбаи бўлиб, демографик ривожланиш жараёнларини жаҳон стандартларига мувофиқлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Ананьев С.А. Социальная стратификация: сущностные основания и трансформации: философский анализ. Волгоград, 2008. С. 93.
2. Дюнина В.Н. Формирование профессиональной мобильности студентов информационных специальностей в техникуме: дис. ...канд. пед. наук: 13.00.08 / Дюнина Валерия Николаевна. – Нижний Новгород, 2009. – 138 с.

ISSN 2181-7138

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ»**

**№ 3/2**

**Нөкис — 2023**

Басып шығыўға жуўапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов, Р. Утепов*

Компьютерде таярлаған:

*П. Реймбаев*

***Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54***

***Тел.: 224-23-00***

***e-mail: uzniiipnkkf@mail.uz,***

***mugallim-pednauk@mail.uz***

***www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz***

*Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 16.06.2023. Форматы 70x100<sup>1/8</sup>

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т. 29,5 . Нашр. т. Нұсқасы \_\_\_\_\_ Буйыртпа №